

Соҳибжон УММАТАЛИЕВ

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом тарихи ва манбашинослиги IRCICA
кафедраси таянч докторанти
sohibjonummataliyev91@gmail.com

“ФУТУХ АЛ-БУЛДОН” АСАРИ МАНБАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

ИСТОЧНИКИ ПРОИЗВЕДЕНИЯ «ФУТУХ АЛ-БУЛДАН» И ИХ СПЕЦИФИКА

SOURCES OF «FUTUH AL- BULDAN» AND THEIR SPECIFICITY

Аннотация. Мақолада IX асрда яшаган тарихчи Аҳмад ибн Яхё ал-Балозурийнинг “Футух ал-булдон” асари манбалари хусусида сўз юритилади. Муаллиф яшаган даврда тарихий воқеаларни оғзаки тарзда ривоят қилиш кенг тарқалган. Шунинг учун асар манбаларининг аксар қисмини ал-Балозурий устозларидан нақл қилинган ривоятлар ташкил этади. Баъзи ўринларда тарихий ҳодисада иштирок этган шахслардан келтирилган ривоятларни ҳам учратиш мумкин. Асарда муаллиф ёзма манбадан фойдаланганлиги ҳақида тўхталиб ўтмаган бўлса-да, маълумотни баён қилишдаги услубидан унинг тарихий асарлардан ҳам фойдаланганини билиш мумкин.

Калит сўзлар: ал-Балозурий, Футух ал-булдон, муҳаддис, ровий, санад, ривоят, Ҳишом ибн ал-Калбий, Муҳаммад ибн Исҳоқ, Абул-Ҳасан ал-Мадойиний, Ал-Воқидий.

Аннотация. В статье рассматриваются источники произведения «Футух аль-бульдун» историка Ахмада ибн Яхья аль-Балазури, жившего в IX веке. Устное повествование исторических событий было обычным явлением при жизни автора. Таким образом, большинство источников произведения - это повествования учителей аль-Балазури. В некоторых местах также можно встретить повествования от людей, принимавших участие в историческом событии. Хотя в произведении не упоминается, что автор использовал письменный источник, из его метода передачи информации видно, что он также использовал исторические труды.

Ключевые слова: аль-Балазури, Футух аль-бульдун, мухаддис, рассказчик, санад, повествование,

Ҳишам ибн аль-Кальби, Муҳаммад ибн Исҳак, Абул-Ҳасан аль-Мадойини, Аль-Вақиди.

Annotation. The article mentions the sources of the work “Futuh al-bulldan” by the historian Ahmad ibn Yahya al-Balozuri, who lived in the 9th century. During the time the author lived, it was widespread to narrate historical events by verbally. Thus, most of the sources of the work shape the narrative from al-Balozuri’s teachers. In some places, you can also find the narration of people who took part in the historical event. Although the author does not mention in the work that he used written sources from his method of presenting information, one can recognize that he also used historical works.

Keywords: al-Balozuri, Futuh al-buldon, muhaddith, narrator, sanad, narration, Hisham ibn al-Kalbi, Muhammad ibn Ishaq, Abul-Hasan al-Madoini, Al-Waqidi.

КИРИШ

Ҳар қандай асар манбаларини аниқлаш унда келтирилган маълумотларнинг кадр-қимматини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Айни ўрганилаётган манба ўша даврдаги илмий муҳит ва унинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида ҳам маълумот беради.

Аҳмад ибн Яхё ал-Балозурий (ваф. 892)нинг “Футух ал-булдон” асари VIII-IX аср илмий-маданий ҳаёти, тарих илмининг ҳадис илми билан боғлиқ жиҳатларини намоён қилади. Ҳижрий III/милодий IX аср ҳадис илмида олтин давр ҳисобланиб, бу даврда ҳадис илмидан бошқа илмлар ажралиб чиқди^[10:9]. Уларнинг жумласига тарих илмини ҳам киритиш мумкин. Шундай бўлсада тарихчилар воқеаларни баён қилишда муҳаддислар каби ровийлар санад¹ини ва мавзуга тааллуқли бўлган барча ривоятларни келтиргани кузатилади. Манбага кўра бирор тарихий ҳодиса ҳақида хабар берувчи шахслар исмларининг матнда келтирилиши ўша маълумотнинг ишончли ёки ишончсизлигини белгиловчи мезон ҳисобланади. Масалан: ҳадис илмидаги “илм ар-рижол”² ва “жарҳ ва таъдил”³ атамалари ровийлар санадининг қай

¹ Санад – матнга олиб борувчи кишиларнинг силсиласи.

² Илм ар-рижол – ҳадисни ривоят қилган ровийлар ҳаётини ўрганувчи илм.

³ Жарҳ ва таъдил – жарҳ сўзи луғатда “яралаш”, таъна қилиш маъноларини англатади. Истилоҳда ровий ёки гувоҳга унинг гапи эътиборга олинмаслиги ёки амал қилинмаслигига сабаб бўлувчи шахсий салбий иллатларнинг нисбат берилишига айтилади. “Таъдил”

даражада ишончли эканлигини ўрганади. Санад ва иснод атамалари ҳадисшуносликда деярли бир маънони ифодалайди[11:17].

АСОСИЙ ҚИСМ

Ал-Балозурий тарихий воқеаларни ёритишда Исмоил ибн Айёш (726-797), Абдурахмон ал-Авзойи (707-774), Абу Бакр ибн Айёш (714-809), Бакр ибн ал-Ҳайсам (816-929), Ҳасан ибн Солиҳ ал-Ҳамадоний (718-785), Ҳусайн ибн Али ибн Асвад ал-Аъжалий (ваф. тахм. IX аср), Ҳаммод ибн Салама (ваф. 783), Ибн Аби Сабра (ваф. 779), Саъид ибн Абдулазиз Абу Муҳаммад ат-Танухий (ваф. 783), Саид ибн Аби Марям (762-839), Суфён ас-Саврий (716-778), Шарик ибн Абдуллоҳ ан-Нахойи (713-794), Шайбон ибн Абу Шайба ал-Ҳабатий (757-850), Аббос ибн Ҳишом ал-Калбий (ваф. тахм. IX аср), Абдуллоҳ ибн Солиҳ ибн Муслим ал-Ажалий (768-836), Лайс ибн Саъднинг котиби Абдуллоҳ ибн Солиҳ ал-Мисрий (755-838), Абдуллоҳ ибн ал-Муборак (739-798), Абдуллоҳ ибн Ваҳб ал-Мисрий (743-812), Абдурраззоқ ибн Ҳаммом ас-Санъоний (744-826), Абу Убайда Муаммар ибн ал-Мусанно (728-825), Амр ибн Муҳаммад ан-Нокид (ваф. 849), Аввона ибн ал-Ҳакам (ваф. 775), Абу Убайд ал-Қосим ибн Салом (774-838), Абу Махнаф Лут ибн Яҳё (ваф. 774), Муҳаммад ибн Исҳоқ (699-769), Ал-Вокидийнинг котиби Муҳаммад ибн Саъд (784-845), Абул-Ҳасан ал-Мадоиний (752-843)[7:408] Ҳишом ибн ал-Калбий (729-820), Ҳайсам ибн Ади ат-Тоий (738-822), Муҳаммад ибн Умар ал-Вокидий (747-823), Вакий ибн ал-Жарроҳ (746-812), Яҳё ибн Одам (757-818), Абдулмалик ибн Қориб ал-Асмаий (740-831) каби муҳаддис ва тарихчилардан ривоят қилган[3:713-736].

“Футуҳ ал-булдон” асаридаги ровийлар каторида мовароуннаҳрлик Иброҳим ибн Муслим ал-Хоразмий ҳам зикр қилинади. У Вакиъ ибн ал-Жарроҳ Руосий (746-812) ва Савид ибн Саъид ал-Ҳаравий (ваф. 855)дан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса Аҳмад ал-Балозурий ва Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ад-Динаварий (ваф. 901) ҳадис эшитган[2:71]. Иброҳим ибн

Муслим ал-Хоразмийнинг ал-Балозурий ва ад-Динаварий каби Яқин Шарқ ҳудудида яшаган муҳаддисларга устоз бўлганлиги Марказий Осиёлик алломаларнинг илм-фан ривожига қўшган ҳиссасига яна бир далилдир. Шу билан бирга, ал-Балозурийга устозлик қилган Абдуллоҳ ибн Солиҳ ал-Мисрий, Саид ибн Аби Марям каби муҳаддислар Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810-870) ва Муҳаммад ибн Исмоил ат-Термизий (ваф. 893) сингари ҳадис илми ривожига катта ҳисса қўшган мовароуннаҳрлик муҳаддисларнинг ҳам устози бўлган.

Нур Саъд Муҳсин (1980 йил туғилган) “Аҳмад ибн Яҳё ал-Балозурий ва унинг Футуҳ ал-булдон асари” номли мақоласида асарда энг кўп ривояти келтирилган ровийлар сифатида қуйидаги муҳаддисларни келтиради.

Ал-Балозурий энг кўп ривоят қилган устози Ҳусайн ибн Али ибн Асвад ал-Ажалий бўлиб, ундан 82 та ривоят келтирилган. Уларнинг аксари Нажрон аҳли хабарлари ва Миср, Ироқ, Жазира, Шом ҳудудлари бошқаруви ҳақида маълумот беради. Ал-Балозурий устозларининг иккинчи даражасида Муҳаммад ибн Саъд бўлиб, ундан 68 та ривоят нақл қилинган. Унинг ривоятлари Макка ва Мадина тарихи, Шом, Жазира, Нубия, Мағриб каби мамлакатларнинг фатҳ этилиши мавзусига алоқадор бўлиб, Муҳаммад ибн Умар ал-Вокидийдан ривоят қилинган. Муҳаммад ибн Саъддан кейинги даражадаги ровий Абу Убайд ал-Қосим ибн Салом бўлиб, ундан ал-Балозурий 62 та ривоят келтирган. Ривоятлар иқтисодий масалага тааллуқли бўлиб, харож ва жизя ҳукмлари ҳамда ерларни иқто шаклида мулк қилиб бериш масалалари ёритилган[8:507-508].

Футуҳ ал-булдон асари ровийлари каторида давлат амалдорларини, жумладан, халифаларни ва қозиларни кўриш мумкин. Ал-Балозурий Аммурия⁴ ғазоти ҳақидаги ривоятни халифа Мутаваккил (847-861)дан, у эса отаси ал-Муътасим (833-842)дан нақл қилган [3:199]. Мазкур маълумот тарихчининг давлат раҳбарлари билан яқин муносабатда бўлганлигини кўрсатади. Аҳмад ибн Яҳё

сўзи арабча «аддала» сўзининг масдари бўлиб, луғатда «адолатли деб топиш» маъносини беради. Истилоҳда ровий ёки гувоҳга унинг гапи эътиборга олинishi ёки унга амал қилинишига сабаб бўлувчи шахсий ижобий сифатларнинг боғланишига таъдил дейилади.

⁴ Аммурия – Кичик осийда жойлашган қадимий шаҳар. Милоддан аввалги II асрда унга асос солинган. 1072 йили салжукий туркларнинг ҳужуми натижасида Аммурия тўлиқ бузиб ташланди ва қайта тикланмади. Унинг бугунги кундаги жойлашган ҳудуди Туркия республикасининг Афюн вилоятига тўғри келади.

баъзи маълумотларни шаҳар қозиларидан ривоят қилган. Хусусан, Хубайб ибн Маслама (ваф. 662)⁵нинг Урминия⁶ шаҳарларидан Қоликулани фатҳ қилганлиги мавзусида бир неча ривоятни келтириб, улардан биринчиси ишончли эканлигини, чунки уни Қолиқула шайхларидан бир жамоа ва шаҳар қозиси сўзлаб берганлигини айтган [3:279].

Тарихчи ривоят қилган ровийлари фақат устозларидан иборат бўлмаган. Айрим ҳудудлар тарихида ўша ерлик муҳаддислар ривоятларидан фойдаланган. Асарда келган “Менга куфалик шайх сўзлаб берди” [3:391], “Менга ҳиралик шайх сўзлаб берди” [3:402], “Менга бағдодлик шайхлар сўзлаб берди” [3:417], “Менга Басра аҳлидан бир жамоа сўзлаб берди” [3:515], “Менга ҳумслик шайх сўзлаб берди” [3:182], “Менга Антокия шайхлари сўзлаб берди” [3:217] каби жумлалар ал-Балозурий тарихий воқеалар тафсилотида турли ҳудудларга мансуб муҳаддислар ривоятларидан истифода қилганлигини билдиради. Аҳмад ибн Яҳё баъзи воқеаларни баён қилганида унда иштирок этган шахсларнинг сўзларидан ҳам фойдаланган. ن م ت ع ح (бир кишидан эшитдим) бирикмаси билан бошланган жумла ушбу туркумдаги ривоятга мисол бўла олади. Абул-Аббос ас-Саффоҳ (750-754) даврида Қайрувон шаҳрининг Муҳаммад ибн Ашаъс ал-хузоий томонидан эгалланиши, у ердаги умавийларга тарафдор қўшин билан кечган зиддиятли жараёнлар тарихий воқеада иштирок этган шахс томонидан нақл қилинган [3:325]. Муаллиф турли ҳудудларга мансуб муҳаддислар ва тарихий воқеада иштирок этган шахсларнинг ким бўлганлиги ҳақида тўхталиб ўтмаган.

Аҳмад ал-Балозурий “Футуҳ ал-булдон” асарида ривоят қилинган ровийларнинг асарлари ҳақида маълумот бермаган бўлса-да, тазкира китобларидан уларнинг қолдирган илмий мероси ҳақида маълумот олиш мумкин. Жумладан, Абдуллоҳ ибн Ваҳб ал-Мисрийнинг “Ал-мағозий” ва “Ар-рида” [12:14], Абдураззоқ

ас-Санъонийнинг “Мусанниф Абдураззоқ”, “Ал-амолий фи осор ас-Саҳоба”, “Ал-мағозий” [5:318], Абу Убайда Муаммар ибн ал-Мусанна ал-Басрий (728-825)нинг “Футуҳ Урминия” ва “Футуҳ Аҳваз [14:239], Абу Убайд ал-Қосим ибн Саломнинг “Ал-Амвол” [12:500], Лут ибн Яҳёнинг “Футуҳ Шом”, “Футуҳ ал-Ироқ”, “Китоб ал-Жамал”, “Китоб ас-Сиффин” “Китоб ан-Наҳравон”, “Мақтал ал-Хусайн” “Китоб ал-Азориқ” [6:225-226], Муҳаммад ибн Исҳоқнинг “Китаб ас-сийра вал-мубтада вал-мағозий” [15:9], Муҳаммад ибн Саъднинг “Китаб ахбар ан-Набий” [5:145], “Тобақот ал-кабир” [13:60], Абул-Ҳасан ал-Мадонийнинг “Китаб футуҳ”, “Китаб ахбару Курайш”, “Ахбару аҳл ал-байт”, “Тарих ал-хулафо”, “Ахбар ал-Ҳажжож” [12:446], Ҳишом ал-Калбийнинг “Жамҳарат ан-насаб”, “Китаб ал-Булдон”, “Китоб ал-Ақолим” ва бошқа асарлари [5:142], Аввона ибн ал-Ҳакмнинг “Ат-Тарих” ва “Сийрату Муовия ва бану умайя” [5:134], Муҳаммад ибн Умар ал-Вокидийнинг “ал-Мағозий”, “Футуҳ ал-Ироқ”, “Футуҳ аш-Шом” [5:144] каби асарлари ҳақида маълумот келтирилган.

Доктор Абдулазиз ад-Даврий (1919-2010) “Нашъату илм ат-таърих инда ал-аъроб” номли асарида илк ўрта асрларда мусулмон тарихчилари томонидан ёзилган, бироқ бугунги кунгача етиб келмаган асарлар ҳақида маълумот берган ва Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарийнинг “тарих ар-русул вал-мулук”, Муҳаммад ибн Саъднинг “Тобақот ал-кабир”, Аҳмад ибн Яҳё ал-Балозурийнинг “Футуҳ ал-булдон” ва “Ансоб ал-ашроф”, Исмоил ибн Касирнинг “Ал-бидая ва ан-нихоя” ва бошқа асарлар асосида улардан айрим парчаларни келтирган. “Нашъату илм ат-таърих” асарида келтирилишича, “Футуҳ ал-булдон”да Муҳаммад ибн Умар ал-Вокидий асарида “Фатху Андалус” [1:242], Абу Махнаф Лут ибн Яҳё асарида “Вилаят ал-Баҳрайн”, “Фатх ар-Рай” [1:266-267], Абул-Ҳасан ал-Мадоний асарида “Футуҳ ас-Синд” [1:318] каби мавзулар акс этган. Бироқ ал-Балозурий уларнинг қайси асарида фойдалангани аниқ айтилмаган.

Абдулазиз ад-Даврийнинг илк ўрта аср тарихчилари асарларидан айрим парчаларни келтиришда “Футуҳ ал-булдон”дан фойдаланганлиги ал-Балозурий ижоди давомида ёзма манбага мурожаат қилганлигини кўрсатади.

⁵ Хубайб ибн Маслама – Рошид халифалар ва Муовия ибн Абу Суфён даврида қўшин амири вазифасида ишлаган араб қўмондонларидан бири. У Араб халифалигининг Византия империяси ҳудудидаги қўплаб жангларида иштирок этган.

⁶ Илк ўрта асрларда Урминия тушунчаси бугунги кундаги Кавказ минтақасига нисбатан ишлатилган. У Византия империяси таркибида бўлиб, аҳолисининг асосий қисми ҳазар қабиаларидан ташкил топган.

Ал-Балозурийнинг *حدثني* (менга сўзлаб берди), *قال لي* (менга айтди) каби лафзлар билан нақл қилиши воқеалар тафсилотини ёзма манбадан эмас, балки устозларидан эшитиш орқали қўлга киритганлигини кўрсатади. Лекин тарихчи баъзи ўринларда *قال هشام الكلبي* (Ҳишом ал-Калбий айтиди) ёки *قال الواقدي* (Ал-Вокидий айтиди) каби жумлалардан сўнг воқеаларни баён қилган. Бу ўринда ровийлар санадининг келтирилмаганлиги ва Ал-Балозурий бевосита эшитганлигини билдирувчи *حدثني* (менга сўзлаб берди), *قال لي* (менга айтди), *حدثنا* (бизга сўзлаб берди) каби сўзлар қўлланилмай (айтди) ёки *ذكر* (зикр қилди) лафзидан сўнг ровийнинг исми келтирилиб воқеани баён қилиниши Аҳмад ибн Яҳё ёзма манбадан ҳам фойдаланганини билдиради. Абдулазиз ад-Даврий асарида ал-Вокидий, Абу Махнаф ва ал-Мадоиний асарларидан келтирилган парчалар ҳам *قال* (айтди) жумласи билан бошланган. Аҳмад ибн Яҳё мазкур жумлалар воситасида Ҳишом ибн ал-Калбий, Абдулмалик ибн Қариб ал-Асмаъий, Абу Убайда Муаммар ибн ал-Мусанна, ал-Вокидий, Яҳё ибн Одам, Аввона ибн Ҳакам, Абул-Ҳасан ал-Мадоиний, Муҳаммад ибн Саъд, Абу Махнаф каби тарихчилардан нақл қилган. Шу билан бирга, уларнинг маълумотларини таҳлил қилиб, энг ишончлисини келтирган [9:236].

Тарихчи бошқа манбалардан олинган маълумотларни сўзма-сўз келтириб қўймай, балки қисқартма шаклда, асосан хулоса ва натижаларга ургу берган ҳолатда фойдаланган. Бу ҳолатни “Футуҳ ал-булдон” ва Муҳаммад ибн Умар ал-Вокидийнинг “Футуҳ аш-Шом” асарини қиёслаш орқали кўриш мумкин. “Футуҳ ал-булдон”да Шом ҳудудига кирувчи Димашқ, Фаластин, Бусро, Ҳумс, Қиннисрин, Ажнадин ва Бусро ҳудудларининг фатҳ этилиши мавзуси ал-Вокидийнинг “Футуҳ аш-Шом” асаридаги маълумотлар билан мувофиқ келса-да, воқеаларни ихчам шаклда ёритганлиги ва тафсилотларни келтирмаслиги билан ажралиб туради [3:149-208]. Муаллиф бу ўринда такрор маълумотлардан қочган ва янги маълумотларга асосий эътиборни жалб этган.

Тарихни ўрганишда ёзма манбалар билан бирга тарихий ҳужжатлар ҳам алоҳида ўринга эга. Улардан муайян давр ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид аниқ ва ишончли маълумотни

олиш мумкин. “Футуҳ ал-булдон”да муаллиф айрим ўринларда девон ҳужжатларидан фойдаланганини айтган. Хусусан, Миср жанубида жойлашган қадимий минтақа – Нубиядан қанча миқдорда солиқ олиниши мавзусида тарихчи ўзида мавжуд девон ҳужжатларидан маълумот топа олмаганлигини ва уни Миср девонидан топганлигини айтган [3:333].

Демак, Футуҳ ал-булдон асари манбаларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Муҳаддис ва тарихчи ровийлардан келтирилган ривоятлар;

Ал-Балозурий аксар ўринларда воқеани ривоят қилган ровийлар санадини келтирган. Фақат баъзи ўринларда, тарихчилар орасида ишончли эканлиги маълум бўлган ҳолатларда, ровийлар санадини келтирмай “*قالوا*” (айтадилар) шаклида маълумотни баён қилган. Мавзунини ўрганиш жараёнида ал-Балозурий ҳадис ривоят қилган устозлари ичида ўрта осийлик Иброҳим ибн Муслим ал-Хоразмий каби муҳаддислар ҳам бўлганлиги аниқланди. Асарда Ҳусайн ибн Али ибн Асвад ал-Ажалий, Муҳаммад ибн Саъд, Абу Убайд ал-Қосим ибн Салом каби ровийларнинг ривояти кўп ўринларда келтирилган. Тарихчи муҳаддислардан ташқари давлат амалдорлари, жумладан халифа ва қозилардан эшитган ривоятларини ҳам нақл қилган.

2. VIII аср охири ва IX асрда ёзилган тарихий манбалар;

Муаллиф асарда қайси манбадан фойдаланганлиги ҳақида маълумот бермаган бўлса-да, унинг воқеаларни баён қилишдаги услуби китобни ёзиш жараёнида манбаларга мурожаат қилинганлигини билдиради. Ал-Балозурий бошқа манбадаги бирор мавзунини ёритишда маълумотларни тўлиқ келтирмай, қисқача мазмун ва хулосаларни нақл қилиш билан қифояланган. Воқеага таллуқли бўлган тафсилотларни баён қилмаган. Шу билан бирга муаллиф ўз давридаги тарихий ҳужжатлардан ҳам фойдаланган.

3. Тарихий воқеада иштирок этган шахслардан нақл қилинган ривоятлар;

ХУЛОСА

Юқорида санаб ўтилган манбалардан ташқари муаллифнинг ўзи яшаган даврда юз берган ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳам муҳим

аҳамиятга эга. Ал-Балозурий аббосийлар саройида яшаб, фаолият юритганлиги IX асрда аббосий халифаларнинг давлат бошқаруви ва араб халифалигидаги ички вазиятдан яхши хабардор бўлиш имконини берган. У фақат аббосийлар таъсири остида бўлган Хуросон, Мовароннаҳр, Яқин Шарқ, Кавказ ва Миср ҳудудларидаги сиёсий вазиятни эмас, балки халифалик таркибидан мустақил бўлиб ажралиб чиққан Шимолий Африкадаги Аглабийлар ва Андалусиядаги Умавийлар давлатида юз берган воқеа-ҳодисалардан ҳам хабардор бўлган[3:328]. Мана шу эътибордан тарихчининг ушбу асари аҳамиятли ҳисобланади.

“Футуҳ ал-булдон” асарида турли манбалардан фойдаланилганлиги ва муаллиф томонидан ўз даврида юз берган тарихий жараёнлар китобда акс этганлиги ал-Балозурий ижодининг қай даражада аҳамиятли эканлигини кўрсатади. Айни пайтда тарихчи воқеаларни баён қилишда муҳаддислар услубидан фойдаланганлиги асарнинг ишончли манбалардан бири эканлигини билдиради.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдулазиз ад-Даврий. Нашъату илм ат-таърих инда-л-араб. – Абу Дабий: Марказ Зойид ли-т-турос ва-т-таърих, 2000. – 520 с.
2. Абу Хотам Муҳаммад ибн Ҳиббон. Китоб ас-Сикот, VIII жуз. – Ҳайдаробод: Доират ал-маориф ал-усмония, 1973.
3. Аҳмад ибн Яҳё ал-Балозурий. Футуҳ ал-булдон. – Байрут: Муассасат ал-маориф, 1987.
4. Ал-Вокидий. Футуҳ аш-Шом. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1997.
5. Ибн ан-Надим. Ал-Фихрист. – Байрут: Дор ал-маърифа, 1997.
6. Муҳаммад ибн Шокир ал-Қутбий. Фавот ал-вафаъ, III жуз. – Байрут: Дару Содир, 1973.
7. Насруллаев Н. Манбашунослик. Дарслик. – Тошкент: Наврӯз, 2020.
8. Нур Саъд Мухсин. Аҳмад ибн Яҳё ал-Балозурий ва китабуҳу футуҳ ал-булдон: диросатан манҳажийтан // Мажалла ал-бухус ва ад-диросот ал-исламия. – Бағдод: Девон ал-вақф ас-сунний марказ ал-бухус ва-д-диросот ал-исломия, 2014.
9. Солим ас-Соидий. Китоб футуҳ ал-булдон ва аҳамиятуҳу ли-дорис ат-таърих // мажалла ал-малавия ли-д-диросот ал-асария ва ат-таърихия. – Самурро, 2017.
10. Уватов У. Муслим ибн ал-Ҳажжож. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995.
11. Уватов У. Муҳаддислар имоми. – Тошкент: Маънавият, 1998.
12. Шамсуддин Заҳабий. Сияр аълом ан-Нубало. VIII жуз. – Қоҳира: Дор ал-ҳадис, 2006.
13. Шамсуддин Заҳабий. Сияр аълом ан-Нубало. IX жуз. – Қоҳира: Дор ал-ҳадис, 2006.
14. Шамсиддин ибн Халликон. Вафийят ал-аъён V жуз / муҳаккиқ Доктор Эҳсон Аббос. – Байрут: Дор Садр, 1977.
15. Зоҳидов Қ. Ислом тарихи фанидан ўқув қўлланма. – Т.: Тошкент ислом университети, 2013.